Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

10 январь, жума, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 7 (1524)

ИСТЕЪДОДЛИ БОЛАЛАР АНЖУМАНИ

Тошкентда Ўзбекистондаги истеъдодли болаларнинг анжумани бўлди. Уни Халқ таълими вазирлиги «Камолот» республика ёшлар жамғармаси ва вазирлик ҳузуридаги «Истеъдод» иқтидорли болаларни аниқлаш маркази билан биргаликда ўтказди.

Уч кун давом этган анжуманнинг дастури жуда тиғиз эди. Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан пойтахтга келган мактаб ўқувчилари Тошкентдаги олий ўқув юртлари фаолияти билан танишдилар, музейларни томоша қилдилар, таниқли олимлар ва ёзувчилар билан учрашдилар.

Анжуман сўнгида республика таълим марказида давра суҳбати бўлди. Унда Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар жамғармаси вакиллари ва маданият арбоблари иштирок этди.

ПРЕЗИДЕНТ БИШКЕККА ЖЎНАБ КЕТДИ

9 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Республикалари давлатлараро кенгашининг мажлисида қатнашиш учун Бишкекка жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Бахтиёр Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИШКЕККА КЕЛДИ

Бишкек. (ЎзА махсус мухбири Амирқул Карим хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 январь куни Қирғизистон пойтахти Бишкекка келди. «Манас» аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари учун ажратилган «Ола арча» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси ҳукумати ўртасида 1997 йилда табиий газ етказиб бериш ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳужжатни Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков ва Қирғизистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари К. Нанаев имзолади.

Кечга яқин Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев шарафига расмий қабул маросими уюштирилди.

Эртага Қирғизистон ҳукумат уйида ягона иқтисодий макон яратиш ҳақидаги шартномага аъзо мамлакатлар -- Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатлари раҳбарларининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтади.

(ЎзА).

14 январь -- Ватан ҳимоячилари куни

ҲАРБИЙ МУТАХАССИСЛАР ДАРГОҲИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари академиясининг ўқитувчилари ва тингловчилари ўзларининг касб байрами -- Ватан ҳимоячилари кунини юқори кўрсаткичлар билан кутиб олишмоқда. Марказий Осиёда ягона бўлган бу ҳарбий академия бир ярим йил олдин олий маълумотли командир -- мутахассислар тайёрлаш мақсадида Тошкентда ташкил этилган эди.

-- Олий ҳарбий таълим билим юрти олдига қўйилган асосий вазифа мамлакатимиз Қуролли кучлари учун олий ҳарбий маълумотли зобитларни тайёрлаб беришдан иборатдир, -- дейди академия бошлиғи вазифасини бажарувчи генерал майор А. Сурганов. -- Академиямизни тугатган зобитлар ҳарбий қисмлар ва бирлашмаларни бошқаради, штабларда турли лавозимларда хизмат қилади.

Академияда таҳсил муддати икки йил. Шу вақт мобайнида биз ўз ишига содиқ, Ўзбекистонимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари -- олий малакали мутахассисларни тайёрлашимиз керак.

Академия тингловчилари асосан зобитлардан иборат. Айни пайтда бу ерда ватанимиз Қуролли кучлари таркибидаги турли қўшинлар вакиллари таълим олмоқда.

-- Александр Викторович, академиянинг ўқитувчи-профессорлари таркиби ҳақида нима дея оласиз?

-- Ҳарбий академия тингловчиларига ўз ишининг билимдонлари, тажрибали, муносиб кишилар сабоқ беради. Масалан, уларнинг орасида оператив маҳорат ва умумий тактика кафедраси мудири ўринбосари В. Приказчик, Қуролли кучлар турлари кафедраси мудири вазифасини бажарувчи полковник Ю. Тошматов, техника фанлари номзоди капитан А. Холмуҳамедов, оператив маҳорат ва умумий тактика кафедраси катта ўқитувчиси полковник Х. Қипчоқов ва бошқалар бор.

-- Академиянинг ўқув-моддий базаси қай аҳволда, бугунги кун талабларига жавоб берадими?

-- Академиянинг ўқув-моддий базаси тегишли даражада. Бу ерда ўқитиладиган ҳар бир фан бўйича махсус синфхоналар ташкил этилган. Оператив тайёргарлик, жанговар тайёргарлик, қўшинларни бошқариш ва штабларда хизмат қилиш, авиация ва бошқа турдаги қўшинлар синфхоналари шулар жумласидандир. Яъни, ўқув-моддий базамиз зарур миқдордаги мутахассисларни тайёрлашга имкон беради.

Ўзбекистон Президенти, Республика Қуролли кучлари Олий бош қўмондони Ислом Каримов академияни тантанали очиш маросимида республика Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, Олий ҳарбий таълим билим юрти қўмондонлиги олий малакали зобитларни тайёрлаш юзасидан академия олдига қўйилган бош вазифаларга асосланиб, диққат-эътиборни таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштиришга, энг аввало, миллий ҳарбий мутахассисларни тайёрлашга қаратиши лозимлигини таъкидлаган эди.

Ишни шундай йўлга қўйиш лозимки, мутахассисларни тайёрлаш энг замонавий талабларга жавоб берсин, машғулотлар ҳарбий фан соҳасида эришилган энг сўнгги ютуқлар, иккинчи жаҳон уруши ва кейинги урушлар тажрибаси, жумладан, мен шуни ҳам алоҳида таъкидлашни истар эдимки, Афғонистонда жанговар операцияларни амалга ошириш тажрибаси эътиборга олинган ҳолда ўтказилсин.

Олий маълумотли зобитларни тайёрлашда Марказий Осиё минтақасининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши зарур. Ўтган асрларда эришилган ҳарбий ютуқларни ҳам назардан қочирмаслик керак. Биз буюк аждодимиз соҳибқирон Амир Темурнинг саркардарлик истеъдоди ва ҳарбий стратегияси кўп асрлар мобайнида Шарқ ва Ғарб лашкарбошилари учун намуна бўлганини ҳамиша ёдда тутишимиз ва ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

СУРАТЛАРДА: машқулот пайти; академия биносининг кўриниши.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКАДАГИ БИР ҚАНЧА КОРХОНАЛАР ВА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АЛОҲИДА НАМУНА КЎРСАТГАН БИР ГУРУҲ ИШЧИЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлат аҳамиятига эга бўлган бир қанча жуда муҳим иншоотларни қуриш ва таъмирлашдаги улкан хизматлари, шунингдек ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Қодиров Рўзимуҳаммад Меликўзиевич -- «Кўқон агроқурилиш» акционерлик жамияти 558-хўжаликлараро механизациялашган махсус колоннаси мармар пардозловчиси.

Баратов Муҳиддин Ҳайдарович -- «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси «Тошмахсуспардозқурилиш» акционерлик жамияти бош муҳандиси.

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Цой Борис -- Самарқанд вилояти 263-хўжаликлараро механизациялашган ихтисослашган кўчма колонна бошлиғи.

Походин Александр Алексеевич -- «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси «Тоштрансмахсусқурилиш» очиқ турдаги акционерлик жамияти 2-қурилиш бошқармаси иш юритувчиси.

Султонов Абдураҳмон -- Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси «Усто» бирлашмаси ганчкор устаси.

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Ҳаётилла -- Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси «Усто» бирлашмаси ганчкор устаси.

Ажибеков Канофия Жонбекович -- «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси «Тошчетэлқурилиш» акционерлик жамияти бошқаруви раиси.

Асатхўжаев Мухиддин Соатхўжаевич -- Тошкент тоштарашлаш заводи -- «Тошмармар» акционерлик жамияти 3-участкаси бошлиғи.

Бобокулов Баҳронбек Рустамович -- «Самарқандмармар» акционерлик жамияти бошқаруви раиси.

Зуфаров Маҳамаджон Зоирович -- Тошкент шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бош бошқармаси бошқарувчиси.

Мамажонов Алижон -- «Фарғонасаноатфуқароқурилиш» акционерлик жамияти «Саноатмонтажқурилиш» фирмаси комплекс бригадаси бригадири.

Раздолний Анатолий Иванович -- «Ўзсувқурилиш» давлат концерни «Тошкентсувқурилиш» трести «Тошкентсувомбори» қурилиш монтаж бошқармаси бошлиғи.

Солиҳўжаев Шокир Тўраевич -- «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси «Тошмуҳандисқурилиш» акционерлик жамияти бошқаруви раиси.

Шарипов Қаюм -- «Самарқандтранс» давлат акционерлик жамияти 128-автокорхонаси ҳайдовчиси.

Шукуров Собиржон Тўлаганович -- Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси «Усто» бирлашмаси рассоми.

Йўлдошев Ноил Абдурашидович -- «Самарқандкимёқурилиш» акционерлик жамияти пардозлаш бошқармаси устаси.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИЛСИН:

Абрамович Александр Леонидович -- «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси бошқаруви раисининг ўринбосари.

Панжев Қурбон -- «Қашқадарёавтойўл» давлат акционерлик жамияти бошқаруви раиси.

Хабибуллаев Мухтор Хабибуллаевич -- «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси «Туронмарказқурилиш» акционерлик жамияти бошқаруви раиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Боботоев Зокир Мирзаахмедович -- «Тошкентободончилиги» ихтисослашган йўл-қурилиш бирлашмаси «Субҳидам барака» акционерлик жамияти механизатори.

Валиев Усмон -- Қашқадарё вилояти Китоб тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари.

Гойибназаров Рихсиали -- «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» трести «Тошдтэсқурилиш» қурилиш бошқармаси кранчи машинисти.

Гайтотов Вячеслав Иванович -- «Тошгаз» шаҳар бошқармаси Собир Раҳимов тумани газдан фойдаланиш хизмати электр-газ пайвандчиси.

Галиев Рамил Ҳаирович -- «Ўзгиити» акционерлик жамияти бош директори.

Даминов Мусурмон Маҳматқулович -- «Сўғдиёнаагроқурилиш» акционерлик бирлашмаси электр пайвандчиси.

Дониёрбеков Адҳамбек -- Тошкент вилояти Янгийўл тумани автомобиль йўллари бошқармаси бошлиғи.

Драган Протич -- «Торсвик» (Венгрия) компаниясининг Шарқий Европа бўйича директори.

Дублевич Милорад -- «Торсвик» компаниясининг бош директори.

Жўраев Бахтиёр Очилович -- «Ҳисорактидроқурилиш» трестининг 2-механизациялашган кўчма колоннаси иш юритувчиси.

Ибодуллаев Ҳабибулла -- Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри ҳокими ўринбосари.

Козимов Аҳмад -- «Самарқандавтойўл» давлат акционерлик жамияти раиси.

Каримова Маҳбуба -- «Ўзйўлтаъминот» бошқармасининг нефть маҳсулотлари бўлими бошлиғи.

Камишов Сергей Георгиевич -- «Тошметроқурилиш» 1-қурилиш бошқармасининг қурилиш-монтаж бошқарамаси бошлиғи.

Мавлонов Абдумансур Маҳкамович -- «Ўзэлектрмонтаж» бирлашмаси 2-Тошкентмонтаж бошқармасининг катта прораби.

Мухамежанов Рафқат Ҳасанович -- Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг Тошкент ижодий эксперимент амалий санъат комбинати рассоми.

Носиров Ботир Мирдадаевич -- «Тошсаноатфуқароқурилиш» акционерлик жамияти бошқаруви раиси.

Павлова Тамара Тихоновна -- «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи ўринбосари.

Пастухов Александр Степанович -- Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги рангли металл эксперимент ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинати қирқувчиси.

Собиров Анатолий Газифович -- «Фарғонанефткимёмонтаж» трести жамоа корхонаси раиси.

Собиров Тожибой Собирович -- «Тошвилжамқурилиш» трестининг 514-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи.

Тўраҳўжаев Аъзамхўжа Тўраевич -- «Ўзсаноатфуқароқурилиш» корпорацияси «Ўзмеханизацияқурилиш» уюшмасига қарашли «16-механизациялашган кўчма колонна» акционерлик жамияти раиси.

Турдиматов Тўйчи Эшмуродович -- «Ўзқурилишматериаллари» концерни «Бекободцемент» акционерлик жамияти машинисти.

Ҳамидов Карим -- «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси «Трест 12» акционерлик жамиятининг 49-қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бригадири.

Яровой Анатолий Григорьевич -- Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг Тошкент ижодий эксперимент амалий санъат комбинати рассоми.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 9 январь.

МАЪНАВИЯТ -- ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

Пойтахтимизнинг Темурийлар тарихи давлат музейида «Инсон манфаатлари ва маънавият» мавзуида семинар-кенгаш ўтказилди.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ташкил этган бу анжуманда Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими раҳбарлари, олимлар ва маънавият соҳаси фаоллари иштирок этди.

Анжуманни республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари Н. Аминов очди.

Кенгашда сўзга чиққанлар мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов иқтисодиёт ва маънавият бир-бири билан узвий боғлиқликда ривожланмоғи кераклигини ҳамиша уқтириб келаётганини таъкидладилар. Зеро, иқтисодиёт ва маънавият тараққиётимизнинг қудратли қанотларидир. Кейинги вақтда инсонлар онги ва қалбида юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, келажагимиз бўлмиш ёшларни бой маданий меросимиз, шонли аналаримизга, умуминсоний қадриятлар, истиқлол ғояларига ҳурмат, мустақил Ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга жойларда, маънавиятнинг моҳиятини, унинг олга силжишимиз, фаровон жамиятга тезроқ эришишимиздаги аҳамиятини чуқур англаб етмаслик ҳоллари учрамоқда. Кенгаш қатнашчилари инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган янги 1997 йилда маънавиятни шакллантириш соҳасидаги ишларни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, бу борадаги тажрибани ўртоқлашдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов қатнашди.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда республика Олий Мажлисининг еттинчи сессияси якунлари ва Президент Ислом Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Шу масала юзасидан вилоят ҳокими Э. Рўзиев маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар ўтган йили вилоят халқ хўжалигида бир мунча ижобий ўзгаришлар юз бергани, ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш, қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилганини қайд этди. Вилоят халқ хўжалигида кўп тармоқли иқтисодиёт барпо этиш юзасидан муҳим қадам қўйилди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми 15 фоиз кўпайди. Давлатга қарашли бўлмаган секторнинг улуши 45 фоизни ташкил этди. Шунингдек, гўшт, сут, мева тайёрлашда ҳам ўсишга эришилди. Қурилиш, энергетика, хусусийлаштириш соҳаларида ижобий натижалар қўлга киритилди. Айни вақтда саноат ишлаб чиқаришда ички имкониятлардан унумли фойдаланилмаяпти. Хусусан, маҳсулот сифати, рақобатбардошлигини жаҳон андозалари талаби даражасида, деб бўлмайди. Вилоят қишлоқ хўжалигида ҳам талайгина имкониятлар бой берилмоқда. Давлатга пахта сотиш режаси бажарилмади, чорвачиликдаги аҳвол кўнгилдагидек эмас. Баъзи туманларда қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш масаласига етарли эътибор берилмаётир.

Сессияда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш маҳаллий бюджетининг 1997 йилги истиқбол кўрсаткичлари, қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини 2000 йилгача ривожлантириш дастури қандай бажарилаётгани ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари жавоб қиладилар

ҲАРАКАТДАГИ ГУРУҲ

Вилоят «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси йўлланмаси билан бир гуруҳ тиббиёт мутахассислари қарийб бир ой давомида Қува туманида бўлдилар.

Улар кам таъминланган, тиббиёт кўригига муҳтож оналар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказишди, дори-дармонлардан ёрдам кўрсатишди.

Малакали мутахассис Зокиржон Собиров етакчилик қилган гуруҳ таркибида болалар ҳакими А. Маматжонов, гинеколог Х. Арапова, акушер-ҳамшира К. Қорабоевалар бор эди. Уларнинг хизматидан тумандаги «Ўзбекистон», «Дўстлик», «Деҳқонобод», Навоий номли «Янгиқишлоқ», «Бўстон», Обидов номли, Охунбобоев номли ҳамда «Наврўз» жамоа хўжаликлари, Дон маҳсулотлари комбинати, «Қувамебель» ҳиссадорлик жамияти ва ун заводи ишчи-хизматчилари беҳад мамнун бўлишди.

«ЗИЛОЛ» «НАФОСАТ»НИНГ ЙИГИРУВЧИСИ

Йилига 150 тонна юқори сифатли ип! Бу кўпми-озми? Уям, буям эмас. Шунча ип Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ва «Пахтасаноатсавдо» уюшмаси таъсисчиси бўлган «Нафосат» корхонаси йиллик эҳтиёжидан етиб ортиб қолди. Ушбу корхона тиббий эҳтиёжларга буюмлар ишлаб чиқараётгани учун сифатли хомашёга доимо эҳтиёж сезарди. Энди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси «Булат», «Гулистон» ва «Матлуба» каби жамият ва хусусий корхоналар ташкил этган «Зилол» КНВ корхонаси тайёрлайдиган юқори сифатли арзон ип «Нафосат»нинг эҳтиёжидан ортиб қолади.

Корхонага Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи дастгоҳлари ўрнатилмоқда. Ушбу завод машиналари сифатли ва унумли ишлаши туфайли илгари Пловдив, Лейпциг, ярмаркаларида шуҳрат қозонганлиги ва арзонлиги сирдарёликлар эътиборини тортди. Пойтахтдаги яна бир корхона -- тўқимачилик комбинаи эса «Зилол» йўлланмаси билан келган 25 нафар йигит-қизни йигирувчилик касбига ўргатимоқда.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Қўқон шаҳрида Фарғона вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Қўқон гуруҳи туманлари ҳокимлари, корхона ва ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Жиззах, Сирдарё, Наманган ва Бухоро вилоятлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими М. Исломов шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва музокарада сўзга чиққанлар юртбошимизнинг бу борадаги кўрсатмаларини амалга оширишда вилоят, шаҳар ва туманларда муайян ишлар амалга оширилганини қайд этди. Жумладан, жойларда тартиб-интизом мустаҳкамланди, жиноятчиликнинг пайини қирқиш борасида талайгина ишлар бажарилди. Айни вақтда маънавият ва маърифат соҳасидаги ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Масалан, Қўқондаги мавжуд ёдгорликларни асраб-авайлаш, таъмирлаш ишларига, миллий ҳунармандчилик анъаналарини тиклашга етарли эътибор берилмаётир.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

«Соғлом авлод учун» республика жамғармаси қорақалпоғистонлик шифокорларга Финляндияда ишлаб чиқарилган замонавий «Дельфия» тиббий укунасини инъом қилди.

Ҳозирча Марказий Осиёда ягона саналаётган бу ноёб ускуна бир пайтнинг ўзида тиббий кўрикдан ўтказилаётган беморлардан олинадиган саксонта қон намуналарини текшириб, ташхис қўя олиш имкониятига эга.

«Дельфия» ускунаси ҳозирги 1-республика касалхонасининг тиббий жарроҳлик марказига ўрнатилди. Янги қурилаётган туғруқхона фойдаланишга топширилганидан кейин ускунани ўша жойга кўчириб ўтказиш назарда тутилган.

Биринчи босқичда ускуна ҳомиланинг ривожланиш ҳолатини, янги туғилган чақалоқнинг ақлий мутаносиблигини уларнинг қонидан олинган намуналар воситасида аниқлашга қаратилган. Умуман, «Дельфия» ускунаси 20 хил йўсинда текширувлар ўтказиш имкониятига эга бўлиб, унинг бу имкониятлари келгусида тўлиқ ўзлаштирилади.

САВДО ХИЗМАТИГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси матлубот кооперацияси тизимидаги корхоналар томонидан аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг аҳволини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ Сурхондарё вилоятида мазкур тизим фаолиятини таҳлил этиш ишлари бошланди. Вилоят ҳокимлигида қишлоқ аҳолиси кундалик эҳтиёж буюмлари, озиқ-овқат ҳамда саноат маҳсулотлари билан қандай таъминланаётгани ҳақидаги масала муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Ж. Норалиев шу ҳақда маъруза қилди.

Йиғилишда Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси, давлат назорат инспекцияси раҳбари Ё. Жалолов сўзга чиқди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ДАВЛАТ УЙ-ЖОЙ СИЁСАТИНИНГ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

уй-жой соҳаси -- давлат иқтисодий қудратининг бир қисми бўлиб, уй-жой ва муҳандислик иншоотларини қуриш, қайта қуриш, асраш, сақлаш, таъмирлашни ўз ичига олади;

уй-жой фонди -- инсон яшаши учун яроқли бўлган уй-жой биноларидан, шу жумладан турар жой бинолари, квартиралар, хизмат уй-жойлари, махсус уйлар (ётоқхоналар, интернат-уйлар, ёлғиз қариялар учун уйлар ва ҳоказо) ҳамда бошқа уй-жой биноларидан иборат фонд;

компенсация -- уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун фуқароларга ёрдам тариқасида давлат томонидан бериладиган пул маблағлари;

уй-жой соҳасидаги кўчмас мулк -- эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари белгилаб қўйилган қуйидаги мол-мулк:

-- турар жой бинолари яшашга мўлжалланган ҳамда мўлжалланмаган хоналари билан бирга;

-- томорқа хўжалик иморатлари;

-- ободонлаштириш унсурлари;

-- қурилиши тугалланмаган турар жой бинолари;

-- уй-жой соҳаси муҳандислик инфраструктурасининг иншоотлари ва унсурлари;

уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси -- уй-жой майдонининг бир кишига тўғри келадиган, санитария-гигиена нормалари ва қоидалари талабларига мос ўлчамлари бўлиб, шунга қараб уй-жой хоналари, уй-жой ва коммунал хизматларга ҳақ тўлаш юзасидан компенсациялар берилади.

2-модда. Давлат уй-жой сиёсатининг асосий вазифалари

Давлат уй-жой сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳар бир фуқаро ўз эҳтиёжлари ва имкониятларига қараб уй-жой қуриши, уни мулк қилиб олиши, ижарага олиши мумкин бўлган шарт-шароитларни яратиш;

уй-жой фондини ривожлантириш ва асраш;

уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганлар ҳисобида турувчи фуқароларга давлат муниципал уй-жой фондидан уй-жой бериш;

фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган, кам таъминланган тоифаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича давлат аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди ҳисобидан уй-жой билан таъминлаш, шунингдек уларга коммунал хизматларга ҳақ тўлаш ва уй-жойдан фойдаланишда компенсациялар бериш;

уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганлар ҳисобида турувчи фуқароларга уй-жой қуриш, уни қайта қуриш, таъмирлаш ҳамда сотиб олиш учун кредитлар ва ссудалар бериш;

уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган ёш оилаларга уй-жой қуриш ёки олишда кўмаклашиш;

уй-жой қуриш, уни қайта қуриш ва сақлашни давлат томонидан иқтисодий ва молиявий омиллар тизими орқали рағбатлантириш;

қулай ва шинам уй-жойлар, қўрғонча шаклидаги кам қаватли турар жой бинолари барпо этиш кўламини кенгайтириш;

аҳолига ижтимоий-маиший, маданий ва бошқа хизматлар кўрсатадиган зарур инфраструктураси бўлган қулай ҳаётий муҳит яратиш.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг уй-жой сиёсати соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

уй-жой соҳасини ривожлантириш юзасидан яхлит, давлат дастурларини ишлаб чиқиш;

уй-жой хўжалиги ва коммунал хизмат кўрсатиш давлат бошқаруви органлари фаолиятига раҳбарлик қилиш;

уй-жой соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;

фуқароларга ижара, алмаштириш шартномаси бўйича уй-жой биноларини тақсимлаш ва бериш, шунингдек уларни сотиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

уй-жой ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш тизимини тартибга солиб туриш;

компенсация, кредит ҳамда ссудалар бериш йўллари ва шартларини тартибга солиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги:

уй-жой фондидан фойдаланиш ва унинг асралишини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади, аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг истиқболли дастурлари ва чизмаларини ишлаб чиқади;

уй-жой эгалари ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатувчи, уни таъмирловчи корхоналар, шунингдек аҳолига коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар уй-жой фондидан техникавий фойдаланиш норма ва қоидаларига риоя этишларини назорат қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг уй-жой фондидан фойдаланиш юзасидан ва уни асраш масалалари юзасидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилган норматив ҳужжатлари давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва жисмоний шахслар ижро этиши учун мажбурийдир.

5-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг уй-жой сиёсати соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг уй-жой сиёсати соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар киради:

уй-жой соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш;

уй-жой фондини ҳисобга олиш, фуқароларга ижара шартномалари бўйича уй-жой биноларини тақсимлаш ва бериш, шунингдек уларни сотиш;

уй-жой биноларини ўз вазифаси бўйича фойдаланиш учун юридик шахсларга ижара (мулк ижараси) шартномаси шартлари асосида бериш;

уй-жой қурилишида қатнашувчи фуқаролар ва юридик шахслар учун имтиёзлар бериш;

мавжуд уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни асраш, унинг хизмат муддатларини узайтириш;

аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган қатламлари учун уй-жой қуриш ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш;

якка тартибда уй-жой қурувчиларга ер участкалари ажратиш;

уй-жой фондига хизмат кўрсатувчи коммунал, ижтимоий ва транспорт инфраструктураси объектларини тегишли ҳолда сақлаш ва ривожлантириш;

давлат уй-жой фондини банд қилиб қўйиш;

давлат ва бошқа уй-жой фондларининг уй-жойларини алмаштириш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

6-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг уй-жой сиёсатини амалга оширишдаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

фуқароларга уй-жой фондидан фойдаланишда ҳамда унинг асралишини таъминлашда кўмаклашади;

уй-жой қуриш ва уй олдидаги ҳудудларга қараб туриш қоидаларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

давлат ва жамоат органларига фуқароларнинг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритади.

7-модда. Фуқароларнинг, ижарачилар ва мулкдорлар жамоат бирлашмаларининг уй-жой хўжалигини бошқаришдаги ҳуқуқлари

Фуқаролар, ижарачилар ва уй-жой мулкдорларининг жамоат бирлашмалари ўз истиқомат жойларидаги уй-жой фондини бошқаришда қатнашиш, уй-жой қуриш, унга хизмат кўрсатиш учун таъмирлаш-фойдаланиш ва бошқа ташкилотларни танлаш, шунингдек уй-жой ва коммунал хизматлар учун сарфланадиган харажатлар ҳамда уй-жой ва коммунал хизматлар нархларини шакллантириш устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга.

8-модда. Уй-жой фондидан фойдаланишда фуқаролар ва юридик шахсларнинг мажбуриятлари

Фуқаролар ва юридик шахслар қуйидагиларни бажаришлари шарт:

уй-жой, ёрдамчи хоналар ва ускуналардан, уй олдидаги ва қўрғон олдидаги ҳудудлардан, шунингдек умумий фойдаланиладиган жойлардан уларнинг вазифасига мувофиқ, бошқа фуқаролар ва юридик шахсларнинг уй-жойга доир, ўзга ҳуқуқ ва эркинликларига зарар етказмаган ҳолда фойдаланиш, ташқи ободонлаштириш объектларини асраб-авайлаш;

уй-жойларнинг асралишини таъминлаш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган санитария-гигиена, экология, архитектура-шаҳарсозлик, ёнғинга қарши ва фойдаланишга доир талабларни бажариш;

уй-жойларни сақлаб туриш ва таъмирлаш, коммунал хизматлар ҳақини, кўчмас мулк солиғи ва уй-жой кредитлари бўйича тўловларни ўз вақтида тўлаш.

Саноат корхоналарини кўп квартирали турар жой биноларида жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Мулк эгасининг ўзига қарашли турар жой биносида корхона, муассаса, ташкилотни жойлаштиришига бундай бино қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда яшашга мўлжалланмаган жойга айлантирилганидан кейингина йўл қўйилади.

Уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни асраш мажбуриятларини бажармаётган шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

II. УЙ-ЖОЙ СОҲАСИДАГИ МУЛК

9-модда. Уй-жой соҳасидаги кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи

Уй-жой соҳасидаги кўчмас мулк ҳусусий мулк, давлат мулки, шунингдек жамоат ташкилотларининг мулки бўлиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда мулкчиликнинг бир шаклидан бошқа шаклига ўтиши мумкин.

Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат уй-жой мулки ҳуқуқининг субъектларидир.

Уй-жой мулки ҳуқуқи муддатсиз бўлиб, шахснинг ўзига тегишли уй-жой биносига ўз хоҳиши ва манфаатларига қараб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни бошқариш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқи бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Уй-жой биноларининг кўринишини ўзгартиришга, уларни қайта қуриш ёки бузишга бошқарув органларининг тегишли рухсатномаси бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Уй-жой соҳасидаги кўчмас мулк ёки унинг бир қисмининг ҳусусий мулклиги миқдор, ўлчам ва қиймат жиҳатидан чекланмайди ва у маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рўйхатга олиниши лозим.

10-модда. Уй-жой фондининг турлари

Уй-жой фонди ҳусусий ва давлат уй-жой фондларидан иборатдир.

Ҳусусий уй-жой фондига қуйидагилар киради:

фуқароларнинг мулки бўлган уй-жой фонди (якка тартибдаги турар жой бинолари, ҳусусийлаштирилган, қурилган ҳамда олинган квартиралар ва уйлар, уй-жой ҳамда уй-жой-қурилиш кооперативларига қарашли уйлардаги пай бадаллари тўлиқ миқдорда тўланган квартиралар, фуқаролар томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда мулк қилиб олинган квартиралар ва уйлар);

хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ҳамда бошқа нодавлат юридик шахсларнинг мулки бўлган ҳамда уларнинг маблағлари ҳисобидан қурилган ёки ким ошди савдосида ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда олинган уй-жой фонди.

Давлат уй-жой фондига қуйидагилар киради:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлган, маҳаллий бюджетга тушган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича бошқа тушумлар ҳисобидан барпо этилган муниципал уй-жой фонди;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлган, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан барпо этилган, шунингдек ҳусусий, муниципал уй-жой фондидан олиб уларнинг балансига берилган, фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган, кам таъминланган тоифалари учун ҳусусийлаштириш ҳуқуқисиз ижара шартлари асосида фойдаланилаётган аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди;

давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг тўла хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида бўлган идорага қарашли уй-жой фонди.

11-модда. Умумий мулкдаги уй-жой биноларига эгалик қилиш

Уй-жой мулкдорлардан ҳар бирининг улуши аниқлаб қўйилган (улушли мулк) ёки улушлар аниқлаб қўйилмаган (биргаликдаги мулк) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин.

Умумий улушли мулкда мустақил равишда бошқа шахсга бериш мумкин бўлмаган объектларга қуйидагилар киради: уйларнинг умумий жойлари, устун ва тўсинлар, квартира ташқарисидаги ёки ичкарисидаги, биттадан ортиқ квартирага хизмат қилувчи механик, электр, санитария-техника ва бошқа қурилмалари.

Уйнинг умумий мол-мулкидаги квартиралар мулкдорлари улушининг миқдори ҳамда мазкур мол-мулкни сақлаш ва асраш харажатларини мулкдорлар ўртасида тақсимлаш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Квартира мулкдори турар жой биносининг умумий мол-мулкидаги ўз улушини бошқа шахсга беришга, шунингдек бу улушнинг квартирага бўлган мулк ҳуқуқидан алоҳида тарзда бошқа шахсга ўтишига олиб келувчи ўзга ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

12-модда. Мулкчилик муносабатларининг ўзгариши

Давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини мулкчиликнинг бошқа шаклига ўтказиш ёки тугатиш чоғида уларнинг тўла хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида бўлган уй-жой фонди ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳуқуқий ворисларининг (агар улар аниқланган бўлса), бошқа юридик шахсларнинг тўла хўжалик юритишига ёки оператив бошқарувига ёхуд белгиланган тартибда фуқароларнинг барча уй-жой ҳуқуқларини, шу жумладан уй-жойни ҳусусийлаштириш ҳуқуқини сақлаган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юритишига ўтказилиши лозим. Бунда уй-жойнинг янги эгаси илгари тузилган ижара шартномаси шартлари асосида ижарага берувчига айланади.

13-модда. Уй-жой соҳасида кўчмас мулкни мажбурий равишда олиб қўйишнинг чекланиши

Уй-жой соҳасида кўчмас мулкнинг мажбурий равишда олиб қўйилишига фақатгина суднинг қарори асосида, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

III. УЙ-ЖОЙ ФОНДИДАН ФОЙДАЛАНИШ, ФУҚАРОЛАРНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

14-модда. Уй-жой биносини ижара шартномаси бўйича бериш

Давлат уй-жой фондига қарашли уйлардаги уй-жой биноларини уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларга ижара шартномаси бўйича уй-жой шароитларини яхшилаш учун тузилган мавжуд навбатга мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорига биноан берилади. Уй-жой бериш тартиби ва имтиёзлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Шахсга ҳусусий мулк сифатида қарашли бўлган уй, квартирани ижарага олиш шартномасининг шартлари тарафларнинг келишувига мувофиқ белгиланади.

15-модда. Уй-жой биносини ижарага олиш ҳуқуқи

Уй-жой биносини ижарага олиш ҳуқуқи давлат уй-жой фондига қарашли уйлардан қонун ҳужжатларида белгиланган уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси доирасида уй-жой биноларини олувчи фуқароларга берилади.

Давлат уй-жой фондига қарашли уйларда ижара шартномаси бўйича яшовчи фуқароларнинг бу уйларда яшайдиган бошқа фуқаролар кўчиб кетган тақдирда уй-жой биносини эгаллаб турган майдонидан қатъий назар ижарага олиш ҳуқуқи сақланади.

Фуқаролар уй-жойни берган давлат ҳокимияти органларига ёки корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ижтимоий нормадан ортиқча майдонга эга бўлган уй-жой биноларини ижтимоий норма доирасидаги уй-жой биноларига алмаштириб бериш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Уй-жой биноларини ижарага олиш шартномаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари томонидан уй-жой майдони олувчи фуқаролар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади.

16-модда. Ижара шартномаси бўйича уй-жой ва коммунал хизматларга ҳақ тўлаш

Уй-жойга ҳақ тўлаш, коммунал хизматлардан фойдаланиш нормативлари, уларнинг тарифлари ва нархлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқланадиган тартибда белгиланади.

Уй-жой майдони ижтимоий нормадан ортиқ бўлган тақдирда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқароларга ижара шартномаси бўйича уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлашда белгиланган имтиёзлардан ташқари қўшимча имтиёзларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда беришга ҳақлидир.

Уй-жой биноларини иккиламчи ижарага топширувчи ижарачилар компенсация олиш ҳуқуқини йўқотадилар.

Агар уй-жой-коммунал хизматлари ҳақи қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган муддатда тўланмаса, уй-жой биносини ижарага олиш шартномаси суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

17-модда. Уй-жой биноларини ижарага бериш

Уй-жой фонди мулкдорлари ҳар қандай майдонга эга бўлган квартиралар ва уйларни улардан бевосита вазифасига мувофиқ фойдаланиш учун ижара шартномасига асосан юридик шахсларга бериш ҳуқуқига эга.

Ижара тартиби, муддатлари ва шартлари ижарага олувчи билан мулкдор ёки у вакил қилган шахс (орган) ўртасидаги шартномада белгиланади.

Давлат уй-жой фондига қарашли уйлар уларда яшовчи вояга етган барча фуқароларнинг розилигисиз бошқа шахсларга ижарага берилиши, шунингдек махсус уйлар ҳамда улардаги уй-жой биноларини ижарага берилиши мумкин эмас.

18-модда. Ижара бўйича уй-жойлар ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш

Ижара бўйича уй-жойлар ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ижарага олувчи билан мулкдор ёки у вакил қилган шахс (орган) ўртасидаги шартномада белгиланади.

Уй-жой биноларини ижара ҳақи шартномада белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда ижара шартномаси суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

19-модда. Фуқароларнинг уй-жойларни ҳусусий мулк қилиб олиши

Фуқаролар уй-жойларни уларнинг сони, катта-кичиклиги чекланмаган ҳолда қуйидаги йўллар билан ҳусусий мулк қилиб олиш ҳуқуқига эга:

якка тартибда уй-жой қуриш;

якка тартибда иморат қурувчиларнинг ширкатлари томонидан уй-жой қуриш;

уй-жой ва уй-жой-қурилиш кооперативларида қатнашиш;

уй-жойларни сотиб олиш-сотиш ва алмаштириш;

мерос қилиб олиш, ҳадя қилиш;

аниқ мақсадда фойдаланиладиган коммунал уй-жой фондидан ташқари давлат уй-жой фондига қарашли уйлардаги эгаллаб турилган уй-жой биноларини қонунда белгиланган тартибда ҳусусийлаштириб олиш.

Фуқаролар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам уй-жойларни ҳусусий мулк қилиб олишлари мумкин.

Давлат уй-жой фондининг сотишга мўлжалланган улуши тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланади.

Давлат уй-жой фондига қарашли квартиралар ва уйларни уларда яшаётган вояга етган фуқароларнинг ҳамда уй-жой майдонини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсларнинг розилигисиз ҳусусий мулк қилиб сотишга йўл қўйилмайди.

20-модда. Мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга қарашли бўлган уйлардан фойдаланиш, уларни таъмирлаш ва сақлаб туриш бўйича коммунал ҳамда бошқа хизматлар ҳақини тўлаш

Уйга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар уй-жой мулкдорлари томонидан тўланади.

Кўп квартирали уйлардаги ҳусусийлаштирилган уй-жой биноларининг мулкдорлари уйнинг муҳандислик ускуналарига, умумий фойдаланиладиган жойларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ҳамда уй олдидаги ҳудудни сақлаб туриш билан боғлиқ харажатларни тўлашда ушбу уйда ўзлари эгаллаб турган умумий майдонга мутаносиб равишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳусусийлаштирилган квартирага техник хизмат кўрсатиш учун тузилган шартномага биноан қатнашадилар.

Уй-жой эгалари коммунал хизматлар ҳақини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аниқлайдиган тартибда белгилаб қўйиладиган тарифлар бўйича тўлайдилар.

Мулкида уй-жой бинолари бўлган фуқароларга уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси ва коммунал хизматлардан фойдаланиш нормативлари доирасида уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ва коммунал хизматлар ҳақини тўлашни таъминлайдиган компенсациялар берилиши мумкин.

21-модда. Уй-жой биноларини алмаштириш

Аниқ мақсадда фойдаланиладиган коммунал уй-жой фондидан ташқари давлат уй-жой фондига қарашли уйлардаги уй-жой биносини ижарага олувчи ўзи билан бирга яшайдиган вояга етган оила аъзоларининг розилиги билан ўзи эгаллаб турган уй-жой биносини бошқа бир ижарага олувчи билан, шу жумладан бошқа аҳоли пунктида яшовчи билан алмаштириш ҳуқуқига эга.

Давлат уй-жой фондига қарашли уйлардаги уй-жой биносини ижарага олувчи уй-жой фонди мулкдорининг ёки у вакил қилган шахс (орган)нинг ҳамда ўзи билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларининг розилиги билан ушбу бинони ижара шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини уй (уй-жой биноси)га бўлган мулк ҳуқуқини олиш эвазига ҳусусий уй-жой фонди мулкдорига топшириш ҳуқуқига эга.

Уй-жой биноларини алмаштириш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

22-модда. Уй-жой фондига кўчиб кириш

Уй-жой биносига берилган ордер ижара шартномаси бўйича уй-жой биносига кўчиб кириш учун асос бўлади, ижара шартномаси бўйича уй-жой биносига кўчиб кириш учун -- ижара шартномаси ҳамда кўчиб кириш учун ижарага олувчи томонидан берилган ҳужжат, мулкдор учун -- мулк ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат, ҳусусийлаштирилган квартиранинг мулкдори учун эса -- мулк ҳуқуқи ҳақидаги давлат ордери асос бўлади. Фуқароларнинг ижарага олинаётган, ёки мулк қилиб олинган уй-жой биносига кўчиб киришини чеклашга фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

23-модда. Давлат томонидан бепул уй-жой берилиши

Фуқароларга уларнинг уй-жойлари бузилганида, авария ҳолатлари ва табиий офатлар рўй берганида давлат томонидан уй-жой бепул берилади.

IV. ЕРГА ДОИР МУНОСАБАТЛАРНИ, УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ, УНИ САҚЛАШ ВА ТАЪМИРЛАШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

24-модда. Уй-жой қуриш учун ер участкаларини олиш, сотиб олиш

Фуқаролар уй-жой қуриш учун белгиланган тартибда ер участкалари олиш ҳуқуқига эга. Уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкасидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда белгиланган мақсадда фойдаланиш лозим.

Фуқаролар бошқа уй-жой биноларини (уй-жой соҳасида кўчмас мулклари), шу жумладан бошқа аҳоли пунктларида ҳам бор-йўқлигидан қатъий назар уй-жой қуриш учун белгиланган тартибда ер участкаларини сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жой биноларини бузиш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори асосида уларга бошқа қулай ва шинам уй-жой биноси мулк қилиб берилганидан ёки уларнинг хоҳишига кўра уй-жой қуриш ёхуд эски уйни кўчириш учун аввалгисига тенг қийматдаги ер участкаси ажратилиб, кўрган зарарлари тўла қопланганидан, шунингдек ер участкасини ўзлаштириш даври учун ижара шартномаси шартлари асосида икки йилгача муддатга вақтинчалик уй-жой берилганидан сўнг амалга оширилади.

25-модда. Уй-жой фондини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ҳуқуқи

Уй-жой фондини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ҳуқуқи якка тартибда иморат қурувчига ёхуд ушбу уй-жой фонди фойдаланиш учун ёки ижарага бериб қўйилган жисмоний ёки юридик шахсга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, шунингдек бундай ҳуқуқни мулкдор шартнома асосида берган якка тартибда иморат қурувчига берилади.

Уй-жой қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда бериладиган рухсатнома асосида амалга оширилади.

26-модда. Жорий ва тубдан таъмирлаш

Давлатга қарашли ва ҳусусий уй-жой фондларини жорий ва тубдан таъмирлаш, шунингдек улардан фойдаланиш уй-жой фондидан фойдаланиш, уни таъмирлашнинг ягона қоидалари ва нормаларига сўзсиз риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Давлатга қарашли уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни таъмирлаш тасарруфида ва балансида ушбу уй-жой фонди бўлган корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Якка тартибдаги уй-жой биноларидан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш уй эгаларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ҳусусийлаштирилган квартиралар ва уйлардан, уй-жой ва уй-жой-қурилиш кооперативларига қарашли уйлардаги квартиралардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш, шу жумладан тубдан таъмирлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

27-модда. Уй-жой фондини қуриш, қайта қуриш, сақлаш ва таъмирлашда рақобатни ривожлантириш

Уй-жой фондини лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қоида тариқасида танлов асосида амалга оширилади.

Давлатга қарашли уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш хизматларини кўрсатишга доир шартномалар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари томонидан, қоида тариқасида танлов асосида тузилади.

28-модда. Уй-жой қуриш ёки сотиб олиш чоғида фуқароларга кредит ва ссудалар бериш

Фуқаролар уй-жой қуриш ёки сотиб олиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда кредит ва ссудалар олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 27 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ДАВЛАТ УЙ-ЖОЙ СИЁСАТИНИНГ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, республика вазирликлари ва идоралари мазкур Қонунга зид келувчи ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, қонун ҳужжатлари «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирилгунга қадар амалдаги қонун ҳужжатларининг ушбу Қонунга зид келмайдиган қисми қўлланилаверади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 27 декабрь.

Ҳуқуқий чорраҳа

ОИЛА ШАЪНИ-- МУҚАДДАС

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари судлов ҳайъатининг раиси Машкура Сафоева билан мулоқот

-- Меҳнат фаолиятингиз давомида кўплаб жиноий, фуқаролик ишларини кўргансиз. Оила ва оилавий муносабатлар ҳақида нима дея оласиз?

--Мен 28 йилдан буён судда ишлайман. Шундан қарийб 21 йилдан зиёдроқ вақтдан бери судьяман. Иш фаолиятимда кўплаб жиноий ишларни ҳам кўрганман. Лекин кейинги йиллар давомида асосан фуқаролик ишлари билан шуғулланаман. 1985 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида судья, шу йилдан бошлаб эса судлов ҳайъати раиси бўлиб ишлаяпман.

Оила ҳақида гапиришдан аввал, унинг кўрки бўлган аёл ҳақида сўз юритмоқчиман. Аёллар ва уларнинг оиладаги ўрни ҳақида буюк устозларимиз, алломаю, мутафаккирларимиз ўз даврида кўп ва хўп фикр билдирганлар. Республикамиз Президенти ҳам аёлларни таърифлаб, «Қодир табиат азиз аёлларимизга мунислик ва мушфиқликни, эзгулик ва гўзалликни абадий қилиб бағишлаган. Ҳар бир инсон кўнглини мунаввар этгувчи, наинки оилага, балки бутун жамиятга ҳам аҳиллик, тотувлик, меҳроқибат бағишлагувчи ҳам аёл зотидир. Аёл--табиатнинг энг буюк мўъжизаси. Бу мўъжиза олдида таъзим бажо этиш ва бу улуғ мўъжизани яратган Аллоҳ таологa чексиз ҳамду санолар айтиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир» дегандилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, шунингдек унга асосланган қонунларда ҳам аёлларга кенг ҳуқуқ ва эркинликлар, имтиёзлар берилган.

Аёл оилани мустаҳкамлаши, оилавий муносабатларда юз берадиган масалаларни босиқлик билан ҳал қиладиган ва фарзандларининг одобли, ҳаёли, меҳнатсевар бўлиши учун ғамхўрлик қилиши керак. Эр-хотин турмушда бир-бирларига маънавий ва моддий томондан ёрдам берсалар, фарзандларига биргаликда ғамхўрлик қилиб, уларни тўғри тарбияласалар, аминманки, бу оилада ҳамиша тотувлик ва ҳамжиҳатлик бўлади.

Таассуфки, ҳаётимизда никоҳдан ажралиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай ҳолат нафақат оила, балки жамиятимиз учун ҳам бахтсизликдир.

-- Олий суднинг бир пленумида «Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Бу ҳужжатнинг аввалги йилларда шу мавзуда қабул қилинган пленум қарорларидан фарқи нимада деб ўйлайсиз?

--Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳам 70 йилдан ортиқ вақт давомида собиқ СССР давлати таркибида бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иш фаолияти ҳам бевосита СССР Олий судига бўйсинган ҳолда олиб борилди.

Шу давр мобайнида республикамизда қабул қилинган барча қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ҳам Москвадагиларга мос келиши лозим эди. Шунга кўра, бу вақтларда қабул қилинган қонунлар, шунингдек Олий суд томонидан қабул қилинган пленум қарорларида халқимизнинг миллий урф-одатларига мос келадиган кўрсатма ва тушунтиришлар ўз аксини деярли топмай келган.

Маълумки,ўтган йиллар мобайнида ким билан оила қуриш ёки ажрашиб кетиш, шунингдек оилага қандай муносабатда бўлиш шахсий иш, деган фикр юрар эди. Оилани сақлаб қолиш, ажрашаётган эр-хотинни яраштириш фақатгина судларнинг вазифаси сифатида қайд қилинарди Олий суднинг яқинда бўлиб ўтган пленум қарорида оилани сақлаб қолиш, уни мустаҳкамлаш фақат судларнинг вазифаси бўлиб қолмасдан, балки жамоатчиликнинг ҳам муҳим иши эканлиги кўрсатиб ўтилди.Жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, ўз-ўзини бошқариш органларига, яъни маҳаллаларга никоҳдан ажрашмоқчи бўлган эр-хотинларни яраштириш, оилавий муҳитни соғломлаштириш ва оилани сақлашга ёрдам бериш, бу борада тегишли ишлар олиб бориш вазифалари юклатилди.

Сир эмаски, баъзи судлар бундай туркумдаги ишларни баъзан шошма-шошарлик билан, енгил-елпи кўриб, эр-хотинларни никоҳдан ажратиш ҳақида ҳал қилув қарорлари ҳам чиқарганлар. Шунга кўра пленум қарорида оилани мустаҳкамлаш, эр-хотинлар ва уларнинг фарзандлари манфаатларини ҳимоя қилишдан келиб чиққан ҳолда судларга никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни фуқаролик ишларининг энг муҳим туркумларидан бири деб ҳисоблаш ва бундай ишларни кўришга судларнинг эътиборини кучайтириш мажбурияти юклатилди.

--Бошқа миллатга мансуб фуқароларнинг айримлари оиласи билан, баъзилари эса оиласиз эри ёки хотини Россия ёхуд бошқа давлатларга кетган ҳоллар ҳам мавжуд. Бундай шахслар билан никоҳда бўлганлар қандай тартибда ажралишлари ҳақида пленум қарорида тушунча берилганми?

--Албатта, ҳозирги вақтда бўлиб ўтаётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда пленум қарорида маълум тушунчалар беришга ҳаракат қилинди. Жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирган давлатларга кетган ва яшаш жойи маълум шахслар билан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво даъвогарнинг ҳохишига қараб (жавобгарнинг охирги яшаш жойида), бошқа давлатларга кетган шахслар билан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво эса даъвогарнинг яшаш жойидаги судда қўзғатилиши мумкинлиги тушунтирилди.

Эр-хотиндан бири доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига кўчиб кетган ва унинг яшаш жойи маълум бўлса, суд унга ишнинг кўрилиши ҳақида хабар қилади. Унинг келиш имконияти бўлмайдиган ҳолларда суд тегишли ажрим чиқариб, ишни мазмунан кўради.

--Баъзан эр-хотин турли сабабларга кўра бошқа давлатларга кетиб, кейинчалик ўзи ва яшаш жойи ҳақида оиласига хабар бермайди ва қайтиб келмайди ҳам. Бундай ҳолатларда никоҳдан қандай тартибда ажралиш мумкин?

--Бир йил давомида яшаш жойи ҳақида маълумоти бўлмаган шахслар никоҳдан ажралиш ҳақидаги даъво билан мурожаат қилишганда судья эр ёки хотинга фуқароларни бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги тартибни тушунтириши лозим. Агар эр ёки хотин хотини ёки эрини бедарак йўқолган деб топиш ҳақида ариза беришдан бош тортса, судья даъво аризани қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас. Суд бундай шахс билан никоҳдан ажралиш ҳақидаги даъвони умумий асосларда, кетиб қайтмайдиган эр ёки хотиннинг охирги яшаш жойидаги судда ёки даъвогарнинг яшаш жойидаги судда кўради.

Ш. АКБАРОВ
ва Э. БОЛИЕВ
суҳбатлашди.

Етти хазинанинг бири



Республикада тайёрланаётган асалнинг учдан бир қисми Хоразмда етиштирилади.
Бироқ хоразмликларнинг ота-боболари асаларичи ўтмаган. Дастлабки юз қути асалари оиласи воҳага 1935 йил Самарқанддан келтирилган. Энди улар ўзидан кўпайиб, 22 мингга етди. Аҳоли хонадонларида ҳам 15 мингдан зиёд асалари уялари асралаяпти.

АРДОҚЛАСАНГИЗ — АСАЛ ЕЙСИЗ

Вилоят «Асалхизмат» уюшмаси қарамоғида эса 10 та (ҳар туманда биттадан) ихтисослаштирилган асаларичилик жамоа корхонаси фаолият кўрсатаяпти. Ўтган йил вилоят бўйича жами 400 тоннадан кўпроқ асал йиғиштириб олинди. Ваҳоланки, ўтган қишнинг қаҳри баланд келиб, жами 20 мингга яқин асалари оиласи нобуд бўлди. «Асалхизмат» уюшмаси ҳам 10 мингга яқин ари оиласини бой берди. Бироқ гап сонда эмас экан. 1996 йилда етиштирилган ялпи асал 1995 йилгидан қарийб 60 тонна кўп бўлди.

-- Кўп сонли асалари оиласини асрашга мўлжалланган куч-ғайрат ва воситалар оз сонли уяларга сарфлангани боис маҳсулдорлик кутилганидан зиёд бўлди, -- дейди уюшма раҳбари Эгамберган Жуманиёзов.

-- Воҳада асал етиштиришни кўпайтириш имкону чоралари анчагина. Ишчи кучлари, техника воситалари етарли. Улардан оқилона фойдаланиб, маҳсулот етиштиришни йил сайин 15-20 фоиз кўпайтира бориш мумкин. Ҳозир 1997 йил мавсуми учун яхшигина замин тайёрланди. Қиш чоғлари йўқотилган 10 минг асалари оиласининг 6 мингдан кўпроғи қайта тикланди. Қолаверса, маҳсулот етиштириш режасини ошириб бажарган жамоалар асалнинг охирги йиғимини ариларнинг қишки озуқаси учун қолдириб, бу йилги ютуқларини ҳозирданоқ деярли нақд қилиб қўйишди. Қишда табиий асал билан озиқланган ариларнинг кучли совуқларга дош бериши, мавсум бошлангач, мўл ва сифатли маҳсулот етказишига шубҳа йўқ.

Ёз бўйи қўшни Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти чўллари, экинзор ва ўрмонзорларида асралган арилар куз изғиринига қолмаёқ қишлов жойларига келтириб қўйилди. Қолаверса, инсон саломатлиги учун фойдали ҳисобланган бу шифобахш неъматни кўпайтириш учун вилоятнинг ўзида ҳам яхшигина замин яратилди. Ҳозир вилоятда беда майдонларининг умумий деҳқончиликдаги улушини 15-18 фоизга етказиш, кейинги йилларда йўқотилган бедазорларни қайта тиклаш, шунингдек, бошқа сергул экинлар майдонини кенгайтириш чоралари кўриляпти. Бу -- асаларичиликни ривожлантиришнинг асосий шартларидан саналади.

Кўплар асаларичининг меҳнатини уяларда ҳосил бўлган болни йиғиб олишдангина иборат, деб билишади. Аслида эса ари боқувчи қўшимча уялар, катаклар ҳозирлаб, янги оилани асраш, кўпайтириш пайида бўлади. Бунда у ҳатто, қайси уруғдан она, қайси уруғдан эса ишчи арилар пайдо бўлишини ҳам аниқ айтиб беради. Бир сўз билан айтганда, ари асал йиғиш учун нечоғли кўп заҳмат чекса, унинг соҳиби чекига тушган меҳнат ҳам шунчалик кўп ва машаққатлидир.

Хонқалик Сафармат Отажонов ўтган йил ўз боқимидаги 80 уянинг ҳар биридан 18 килодан асал йиғиб олди. Бу вилоят ва туманнинг ўртача кўрсаткичидан қарийб 8 кило зиёддир. Оила отахони Оллаёр Отажонов -- асаларичи келини ва ўғилларининг талабчан устози. Иброҳим Нووвотовлар оиласида ҳам ҳамма асаларичи. Иброҳим асаларичилик билан бирга «Хонқаасал» жамоа корхонасида шоферлик ҳам қилади. Касб-кор сирларини ундан ўрганган инилари Рўзибой, Умрбек ва Ғайрат корхонанинг уста боқувчилари сифатида танилишган.

-- Асаларичилик энг нозик ва сермеҳнат касблардан бири, -- дейди вилоят асаларичилик тармоғига 30 йил моҳирона раҳбарлик қилган Раҳимберган Абдуллаев. -- Кимки бу касбга бел боғласа, авваламбор ўзи болдай ширин бўлмоғи даркор. Асалари эса меҳр-шафқат ва эътиборга муҳтож нозик жонивор. У яхшига ҳамиша бол беради, ёмонга эса заҳар...

Р. Абдуллаевнинг айтишича, арилар табиатан ўта заҳматкашлиги боис гулнинг ҳидини 3-4 чақирим масофадан турибоқ сезар ва унга ҳар куни юзларча марта қатнаб, нектар йиғаркан. Гуллар ари оёқчалари ва қанотчалари таъсирида чангланганда ҳосил салмоғи 20-30 фоизгача кўпайиши кузатилган. Дарахтлар қийғос гуллаган баҳор чоғлари боғида асаларилар базмини кўрган боғбоннинг боши осмонга етади. Арилар «чанглатган» боғда ҳосил мўл бўлиши, улар келмай қўйганда эса гулларнинг хазонга айланиши азалдан маълум.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, асал ва асалари хасталикларни бартараф этади. Асалари асралган жойда яшовчиларнинг узоқ умр кўриши, тетик ва соғлом ҳаёт кечириши ҳам шундан. Кузатишларнинг кўрсатишича, кир-чир кийинган, ювиниб-таранмаган киши, оёғи ёхуд панжасига ифлосликлар илашган арилар уяга яқинлашгани ҳамоно унда яшовчи жониворлар «келгинди»ларга ёпирилиб ҳужум қилишаркан. Ариларнинг жаннатий тозаликка нақадар ўчлигини шундан ҳам билса бўлади.

Асалчиликка ҳамиша ҳам етарли эътибор берилмайди. Бу борада вилоятнинг ўзида ҳам талай камчиликлар мавжуд. Чунончи, ариларнинг кўпинча ўз уяларини тарк этиши ёки нобуд бўлиши шароитнинг нобоплигидан. Кейинги йилларда озуқа экинлари майдони, тўқайзорларнинг кескин камайгани, шаҳару қишлоқлардаги антисантария муҳити асаларичилик равнақига тўғаноқ бўлаётир. Аксарият асаларичилик хўжаликлари ўз экин майдонларига эга эмас. Ваҳоланки, ари уялари гуллар очилган, дов-дарахтлар яшнаган жойда асралиши керак.

Инсон ҳар нарсага қобилу қодир. У табиатга меҳрини қанчалик кўп берса, ўзи ҳам ундан шунчалик кўп инъом олади. Асал инсон меҳр ва ардоғи учун она табиат томонидан инъом этилган энг тотли неъматлардан эканлигини унутмаслигимиз лозим.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бахмал туманидаги «Гулбулоқ» ижара ширкатлар бирлашмаси соҳибкорлари шу кунларда мавжуд 300 гектар боғ парваришини қизғин олиб боришмоқда. Айниқса боғбон Х. Рўзибоев ўзига бириктирилган майдондаги дарахтларга шакл беришни якунлади.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) бирлашма касаба уюшма қўмитаси раиси О. Кенжаев боғбон Х. Рўзибоев билан; боғ манзараси.

Н. АЛМУРОДОВ
олган суратлар.

«МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ СТИПЕНДИЯЛАРИ

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Наманган бўлими вилоятдаги олий ўқув юртларининг аълочи талабаларига ҳар бири 500 сўмдан ўн иккита рағбатлантириш стипендияси таъсис этди.

Бу стипендиялар энг аввало камхарж ва боқувчисидан маҳрум бўлган оилалардаги талабалар учун мўлжалланган. Стипендия беришда талабаларнинг дарсларни ўзлаштириши ва уларнинг жамоат ҳаётидаги иштироки ҳам ҳисобга олинади.

ИККИ МИНГ ГЕКТАРГА

Бешариқ туманидаги «Яккатутқишлоқмаш» заводида чигитни Андижон технологияси асосида плёнка остига экиб берадиган агрегат ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу ерда ҳозирдаёқ 10 та шундай сеялка тайёрланди. Жорий йилда туманда 2 минг гектар ерга чигит плёнка остига экилади.

(ЎзА).

хабарлар оқимидан ❖ хабарлар оқимидан ❖ хабарлар оқимидан

ТАШКИЛОТ

ўз тасарруфидаги 250 киловаттли электр трансформаторини сотади.

Тўлов исталган шаклда.

Мурожаат учун телефонлар:

72-70-26, 39-15-34.

Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш фонди

Экспортни ривожлантириш дастури доирасида қуйидаги мутахассисларни ишга таклиф этади:

- **инвестициялар бўйича экспертлар;**
- **иқтисодчилар;**
- **молия ходимлари;**
- **юристлар;**
- **қимматбаҳо қоғозлар бўйича мутахассислар;**
- **референтлар.**

Номзодларнинг шу мутахассислик бўйича иш тажрибалари бўлиши, ўзбек ёки инглиз тилларини билишлари лозим.

Манзил:
Тошкент шаҳри, П. Востока кўчаси, 6.
Тел.: (3712) 33-06-99, 33-37-99 (факс).

РЕСПУБЛИКАМИЗ ОБРЎСИ ОРТАВЕРСИН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўздавстандарт» марказидан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили республикамизда экспорт қилиш учун ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми деярли икки баравар кўпайган.

Хорижий ҳамкорлар билан ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналарда экспорт қилинадиган маҳсулотлар тури тобора кўпайиб бормоқда.

1996 йилда «Ўзбеккимёмаш» ҳиссадорлик жамияти чет элларга сотган кимёвий ускуналар ва уларга эҳтиёт қисмлар ҳажми 1995 йилдагига нисбатан салкам 100 баравар кўпроқни ташкил этди. «Компрессор» заводи олдинги йилга қараганда икки баравардан ошиқроқ компрессор станцияларини, «Подъёмник» ҳиссадорлик жамияти ўнлаб қимматбаҳо кранларни сотди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада мукаммалаштирилмоқда. Мазкур корхоналарда маҳсулот турларини кўпайтириш билан бир вақтда уларнинг сифати ҳам яхшиланмоқда.

(ЎзА).

ХОРИЖ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА

Янги йилнинг илк кунлари Жиззах вилоятида бир қанча янги ишлаб чиқариш объектлари ишга тушди. Жиззах шаҳрининг «Заргарлик» маҳалласида фаолият кўрсата бошлаган кичик корхона ана шулардан биридир. У Германиянинг жаҳонга машҳур «Винклер» фирмаси технологияси асосида нон маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлади.

Корхона ўзининг дастлабки 16 турдаги бир-биридан ширин маҳсулотлари билан маҳалла аҳлини хушнуд қилмоқда. Ҳозир бу ерда бир кеча-кундузда 6 тонна турли хил нон маҳсулотлари пиширилиб, аҳолига иссиқ ҳолда етказиб берилаётир. Корхона тўла қувват билан ишлагач, бу ерда 23 турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

«Винклер» технологияси асосида ишлайдиган нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи бундай кичик корхона вилоятнинг Ғаллаорол туманида ҳам ишга туширилди.

Диққат, ёнғиндан сақлаш хизмати огоҳлантиради!

МАСЪУЛИЯТНИ УНУТМАНГ

Республика Ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Атҳам Ёқубов билан суҳбат

-- Атҳам Ҳасанович! Янги йил тантаналари республикамизда қандай ўтди? Демоқчимизки, Ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари учун кутилмаган ортиқча ташвишлар содир бўлмадими?

-- Республикамизда янги йил тантаналарини муносиб равишда ўтказиш борасида Ёнғиндан сақлаш бошқармаси ва жойлардаги давлат ёнғин назорати хизмати ходимлари томонидан бир қанча амалий ишлар бажарилди, жумладан, янги йил тантаналари ўтказиладиган жойларнинг, аҳоли кўп тўпланадиган масканларнинг рўйхати олиниб, уларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Байрам даврида ишлатилиши мўлжалланган техник мосламалар (светомузика жиҳозлари, арчани безатишга мўлжалланган электр чироқлар ва ҳ.к.) ишлатилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилиб, уларни ёнғин ва техника хавфсизлиги талабида ишлатилишига эришилди. Барча байрам тантаналари ўтказиладиган жойларга давлат ёнғин назорати ходимлари бириктирилиб, уларнинг навбатчилик қилишлари ташкил қилинди. Янги йил тантаналари ўтказилган жойларда талабга жавоб бермайдиган пиротехника маҳсулотларидан (хлопушка, ракетница, бенгаль оловлари ва бошқа шу каби нарсалар) фойдаланиш ман этилди. Янги йил байрамларини кўнгилсиз ҳодисаларсиз ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларидан кенг кўламда фойдаланилди. Олиб борган ишларимиз ўзининг ижобий самарасини бериб, янги йил байрамларини ёнғинларсиз, кўнгилдагидек ўтказишга эришилди.

-- Ҳозирги кунда мактаб ўқувчиларининг қишки таътиллари давом этмоқда, бу ўз навбатида Ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари ва ота-оналар учун бир қанча муаммоларни юзага келтираётгандир?

-- Ҳа, албатта, айрим ҳолларда ота-оналарнинг бефарқлиги ва лоқайдлиги, ўз фарзандларини назоратсиз қолдиришлари ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Маълумки, болалар қизиқувчан бўлади ва улар ёлғиз қолганларида катталарга тақлид қилиб, хонадонлардаги иситиш печлари, газ асбобларини ёқиши, электр мосламаларидан фойдаланмоқчи бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бундан ташқари назоратсиз қолган болалар **республикамиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан келтирилган пиротехника маҳсулотларини сотиб олиб, ўйнамоқчи бўлишади. Ваҳоланки, бундай маҳсулотлардан фойдаланиш фарзандларимизнинг тан жароҳати олишларига, ҳатто ҳалок бўлишларига олиб келиши мумкин, чунки бу маҳсулотлар ҳеч қандай ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермайди ва сертификатларга эга эмас.**

Айрим ҳолларда фарзандларнинг уйда ёлғиз қолдирилиши, иситиш мосламалари ва газ асбобларидан эҳтиётсизлик билан фойдаланиши натижасида фожиали ҳодисалар содир бўляпти. Масалан, ўтган йилнинг 13 декабрь куни Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманида истиқомат қилувчи К. Изембетова 3 нафар фарзандини уйда ёлғиз қолдириб кетади. Болалар шўхлиги оқибатида содир бўлган ёнғин натижасида учала бола ҳам тутундан димиқиб, ҳалок бўлишган. 15 декабрь куни Сирдарё вилояти Ховос қишлоғида яшовчи Ж. Соибназаровнинг хонадонида иситиш печи мўриси носозлигидан содир бўлган ёнғин уй эгаси ва унинг қизининг фожиали ҳалок бўлишга олиб келган. 18 декабрь куни Қашқадарё вилояти Ғузор тумани «Истиқлол» жамоа хўжалиги Афғонбоғ қишлоғида яшовчи К. Холбоев 1990, 1992, 1995 йилларда туғилган фазандларини қулфланган уйда қолдириб, ишга кетади. Ёлғиз қолган болалар шўхлиги оқибатида хонадонда ёнғин содир бўлиб, кўрпа ва гиламнинг туташи натижасида болалар тутундан заҳарланиб, ҳалок бўлишади. Шу йил 1 январь куни эса Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 13-даҳа 27-уй томида, М. Улуғбек тумани Мересьев кўчасида жойлашган 20-поликлиника томида болаларнинг пиротехника маҳсулотлари ўйнашлари оқибатида ёнғинлар содир бўлган.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, юртдошларимиз иситиш ва газ мосламаларини узоқ муддат ишлатиш мумкин эмаслигини унутмаслиги, ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиши лозим. Газ билан иситиладиган печларни мунтазам равишда назорат қилиб, уйқуга кетишдан аввал уларни ўчириб қўйиш лозим. Буни ҳар бир оддий фуқаро яхши билади, лекин лоқайдлигимиз туфайли ҳар доим ҳам унга риоя қилавермаймиз. Гоҳида ёш болаларни уйда ёлғиз қолдирамиз. Уларнинг кўнглига қараб бозорларда рухсатсиз сотилаётган ясама, қўлбола пиротехника маҳсулотлари, яъни поқилдоқлар билан ўйнашларига рухсат берамиз. Бунинг ёмон оқибатлари ҳақида юқорида тўхталдик.

Яна шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги кунда болаларнинг қишки таътилида муассасаларда, мактаб ва боғчаларда янги йил тантаналари давом этмоқда. Мана шу ерларда байрам иштирокчиларининг махсус кийимларига ёнмайдиган аралашма билан ишлов берилган бўлиши керак. Янги йил арча байрамларини катталар назорати остида, одамлар кўп тўпланадиган жойларда эса маъмурий жавобгар шахслар ва давлат ёнғин назорати хизмати ходими иштирокида ўтказиш даркор. Шунингдек, бу жойларда кўнгилли ўт ўчириш дружиналари аъзолари ҳам бўлиши мақсадга мувофиқ.

Мана шу каби оддий бўлган ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинса, болаларимиз соғ-саломат, уйларимиз доимо иссиқ, қишнинг совуқ кунлари доимо хурсандчиликка тўла ва кўнглимиз хотиржам бўлиши муқаррар.

Р. ЭРМУҲАММАД
суҳбатлашди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ КОРХОНАЛАРИ ВА БОШ МУҲОСИБЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳридаги йўловчи транспорти Давлат уюшмаси қошидаги "Йўловчитранссервис" Бирлашган хўжалик ҳисобидаги Марказ маъмурияти банк реквизитларимиз ўзгарганлигини маълум қилади ва 1997 йил 1 январидан банк операциялари қуйидаги реквизитлар бўйича амалга оширилади:

"Йўловчитранссервис" БХҲМ,
Тошкент ш., Т. Малик кўчаси, 3"А"-уй,
ҳисоб рақамимиз 42500002 Ўзбекистон Республикаси миллий ташқи иқтисодий фаолияти банкининг вилоят бўлимида,
МФО 172626288, кор./ҳисоб 200165428.

МУРУВВАТ ОЙИ

БУГУН БАРЧА МУСУЛМОН МАМЛАКАТЛАРИДА МУБОРАК РАМАЗОН БОШЛАНДИ

Оғзи юмуқ одам покиза бўлади, деган гапнинг икки хусусияти, икки жиҳати бордир. Камгап ва камсуқум, тилга эҳтиёткор одам бировни алдамайди, ҳаром-харишга аралашмайди, имконият даражасидан ортиқ оғиз кўпиртирмайди, залолат ботқоғига ботиб, маломатга қолмайди.

Бу -- юқоридаги гапнинг бирламчи жиҳати. Унинг иккинчи хусусияти эса ислом оламидаги Аллоҳнинг иноятн саналмиш бешта арконнинг фарзларидан бири рўзадорлик билан боғлиқдир. Рўзадор кишини халқ орасида оғзи юмуқ одам, деб ҳам атайдилар ва унга нисбатан бошқачароқ, яъни эҳтиромий муносабатда бўладилар. Нега шундай? Дейлик, рўза кунлари кимгадир билмасдан чой узатиб қўйдингиз, у киши дейдиларки, оғзим юмуқдир. Шунда ўзингизни беихтиёр бошқача сезасиз, гарчанд беайб бўлсангизда, унинг олдида ўзингизни гуноҳкордек ҳисоблайсиз ва узр айтиб, хижолат тортасиз. Ваҳоланки, сизни ҳеч ким рўза тутишга мажбур этган эмас ва этмайди ҳам. Бу -- иймон иши.

Кўпчилик рўзани фақат кундуз куни маълум бир муддатда овқат ейишдан ўзини тийишдангина иборат, деб билади ҳамда ўзини ана шу мақомга мослайди. Мен фалон йилдан буён рўза тутиб келаман, деб мақтанади ва катта гуноҳга ботади.

Рўза овқат ейишдан ўзини тийишгина эмас, балки инсоннинг жисмоний ва руҳий талаблари, зоҳиран кўзга роҳат туюлувчи барча нарсалардан чекланиши ҳамдир. Зеро, рўзадорнинг елкасида катта масъулият ҳам бўлади. У биринчи галда руҳан покланиши, фосиқ сўзлардан, густоҳ амаллардан тийилиши, Яратганга тавба-тазарру билан яшаши, солиҳ ишлар билан машғул бўлиши, ҳар қандай шароитда жамият ва Ватан хизматига шай туриши лозим. Ҳазрати Амир Темур сўзларини тингланг: «Пири комил Баҳоуддин Нақшбандининг «Кам егин, кам ухла, кам гапир» деган панду насиҳатларига амал қилдим. Аркону давлатга, барча мулозимларимга ҳам айтар сўзим шу бўлди: «Кам енглар -- очарчилик кўрмасдан бой-бадавлат яшайсизлар, кам ухланглар -- мукаммалликка эришасизлар, кам гапиринглар -- доно бўласизлар».

Инсон табиатдаги ва жамиятдаги воқеа-ҳодисаларни кўриб ҳайратланиши, хурсанд бўлиши ёхуд ғам-алам чекиши мумкин. Бу илк назар ва илк таассурот бўлади. Донишлар таъкидлайдики, «Кўзларингни юм, то кўнгил кўзлари очилсин, зеро, кўнгил кўзи ила ўзга жаҳонни кўриб бўлади». Ўзга жаҳон эса кўнгил тубида ва тафаккур қатидадир. Кўнгил тафаккурни уйғотади, тафаккур кўнгилга таскин беради ва чашми гирёнингиз юмуқ ҳолда кўз ўнгингизда ўзга жаҳон намоён бўлади. Бундай вақтда сизга бир чимдим сабр-қаноат керак, токи сиз биринчи назарга алданманг ва ғафлатда қолманг: ҳар бир нарсага бардош ила кўнгил кўзи билан боқинг, бу сизни ҳар хил балою офатлардан сақлайди, сизга хуш бахт ва саодатманд истиқбол эшигини очиб беради. Бардошлилик ва сабр-қаноатни эса сиз Рамазон кунлари ўрганасиз ва феълингизда чидамлилик туйғуси шаклланади.

Абулқосим Замахшарий лутф қиладиларки, «Можаро билан кўрсатилган муруввватда хайрлик йўқдир, гарчанд у (хайрлик) челаклаб қуйган ёмғир мисоли кўп бўлса ҳам». Зеро, гина ва адоват, миннат суви билан қоришилган муруввват конфет қоғозига ўралган тош каби дилга ранж солгусидир. Муруввватлилик садаф янглиғ соф, тилла каби тоза бўлмоғи керак. Бундай вазият қачон юзага келади? Қачонки муҳит тоза бўлса, ён-атроф покиза бўлса! Биз юқорида рўзани покизалик ойи ҳам, деб атадик. Зотан, айтишларича, бу ойда уруш ва жанжаллар тўхтаган, низолар бартараф этилган. Одамлар хайр-эҳсон ва муруввватлилик билан шуғулланишган. Гуноҳлар кечирилган, айблар авф этилган. Оламни осойишталик, тинчлик ва муруввват ўз оғушига олган.

Биз бу муборак ойнинг инсонларга ҳадя этадиган сифатлари хусусида жуда кам сўзладик. Зеро, бу ҳақда бизгадовур анчайин кўп ва хўп лутф этилгандир. Хўш, Рамазон ойининг қалбимизни безайдиган жиҳатлари шунчалик бисёр экан, бизнинг унга нима тортиғимиз бор? У биздан ҳеч нарса талаб қилмайди, фақат илму амалларимизнинг солиҳ бўлишини сўрайди, холос.

Демак, рўза — солиҳ ой ҳамдир.

Биз шунга муносиб бўлайлик!

ЖЎШҚИН.



Шаҳрисабз Амир Темур салтанатида йирик маданий марказлардан бўлиб, унинг атрофи мустаҳкам девор билан ўраб олинган эди. Қарийб олти километрга чўзилган қалъанинг қолдиқлари сақланиб қолган. Юбилей кунларида «Ҳисораксувқурилиш» трестининг 2-механизмлашган кўчма колоннаси жамоаси қалъа қолдиқларининг бир қисмини тиклашга муяссар бўлди.

СУРАТЛАРДА: қайта бунёд этилган қалъа девори ва қурувчиларни кўриб турибсиз.

Э. ҚУЛМУРОДОВ олган суратлар.

СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Ўтган йил муҳим саналарга, тарихий воқеаларга бой бўлди. Жумладан, 1996 йилнинг «Амир Темур йили» деб эълон қилингани ҳам мустақил мамлакатимиз халқи ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Зеро, ўзбек халқининг буюк фарзанди, атоқли давлат арбоби, бобомиз Амир Темур юбилейи ЮНЕСКО қарори билан бутун дунёда кенг нишонланганн бизнинг тарихимизга, маданиятимизга ҳамда Ўзбекистоннинг инсоният цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасига берилган баҳо дейиш мумкин.

Республика «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси жамоаси соҳибқирон бобомизнинг ҳаёти ва фаолияти билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништириш ва тарихий ҳақиқатни тиклаш мақсадида «Буюк Амир Темур» номли кинофильмни яратишга қўл уришганди. Жуда қисқа муддат, яъни 8 ой давомида ушбу фильм дунёга келди. Наманган вилоятида ушбу кинофильм ижодкорлари Т. Юнусов, И. Эргашев, Р. Иброҳимов ва Амир Темур образини яратган бош роль ижрочиси Беҳзод Муҳаммадкаримов билан учрашув бўлиб ўтди.

Улар ушбу кинофильмни олиш жараёни ва ана шу давр мобайнида бобомизнинг пок руҳлари уларга ҳамиша ҳамроҳ бўлгани ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Шундан сўнг, «Буюк Амир Темур» кинофильми намойиш этилди. Учрашув қатнашчилари кинофильмни қизиқиш билан томоша қилдилар.

А. МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги китоблар

ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Файласуф олим Саид Шермуҳаммедовнинг «Фан» нашриётида чоп этилган «Фалсафа фани янгиланишининг баъзи муаммолари» китобида ушбу фаннинг ҳозирги шароитдаги долзарб масалалари устида фикр юритилади.

Марксизм ғоялари билан суғорилган Совет мафкураси 70 йилдан зиёд вақт мобайнида онгу тафаккуримизни сохта қарашлару ёлғон ақидалар билан буткул занжирбанд этган эди. Мамлакатимизда коммунистик ақидалардан халос бўлиш, унутилган, аммо асл қадриятларга юз буриш истиқлолнинг илк йиллариданоқ бошланган эди. Президентимиз Ислом Каримов бу соҳага алоҳида эътибор қаратиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий йиғилишидаги нутқида жумладан шундай деган эди: «...Фалсафа илмини, хусусан, Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва қадриятларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишимиздан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аждодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий-умумбашарий руҳ билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир».

Рисолада собиқ Иттифоқ даврида фалсафа фанида ўтмиш маънавий меросимизга баҳо бериш ва ўзлаштиришга бир ёқлама қаралганлиги таъкидланиб, ушбу фан турли чекинишлардан холи бўлмоғи, шунингдек «дин ва диний фалсафанинг инсоният маънавий тараққиётида тутган ўрнига баҳо беришга янгитдан ёндошиш жараёни» бошланганлиги таъкидланади. Фалсафа фанининг ижтимоий муҳитга мос тушиши ва унинг эҳтиёжида бўлиши фан сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш каби қатор масалалар китобда холис таҳлил қилинади.

Муҳими -- бу фаннинг мустақил Ўзбекистон тарихий тараққиётида тутадиган ўрни ҳақида аниқ таклиф ва истаклар билдириладики, бу китобнинг илмий қимматини янада оширган. Ўйлаймизки, мазкур рисола ёш олимларни ҳам бефарқ қолдирмай, илмий изланишларида баҳоли қудрат астқотиши шаксшубҳасиздир.

Ж. САФОЕВ.

КРОССВОРД-МУАММОНОМА

Жавоблар шаклда рақамли хонадон ёй бўйича марказ томон ёзилади.

1. Республикамиз давлат ва жамоат арбоби, қатағон йиллари қурбони. 2. Тожикистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб. 3. Ўзбек археолог олими, тарихимизга оид асарлар муаллифи. 4. Турли соҳаларда амалга ошириладиган туб ўзгаришлар. 5. Чўл ва адирларда ўсадиган бир йиллик гиёҳ. 6. Мирзачўлнинг шимолий -- ғарбидаги ботиқ ер. 7. Ҳарфларни сатрловчи босмахона қурилмаси. 8. Таом учун ишлатиладиган кўкатлар мажмуи. 9. Гўзаллик, латофат. 10. Ўсимликлар олами. 11. Қамария йил ҳисобидаги ойлардан бирининг номи. 12. Расмий хизматни бажариш билан боғлиқ доимий вазифа. 13. Чирой, нозиклик хислати. 14. Тақсимотда ҳар бир кишига тўғри келадиган улуш. 15. Марказий Осиёда ватанпарварлик намунасини кўрсатган халқ қаҳрамонларидан бири. 16. Марказий Осиё тарихи ва қазилма ёдгорликларини ўргатган таниқли ўзбек олими. 17. Нозик, турфа рангда очиладиган манзарали ўсимлик. 18. Қорақалпоғистондаги шаҳар. 19. XV аср охири XVI аср биринчи ярмида яшаб ижод этган Озарбойжон шоири. 20. Буғ ёки газ кучи билан ишлайдиган двигатель. 21. Абдулҳамид Чўлпоннинг саҳна асари. 22. Зотли, чопқир от. 23. Ёзувчи Вали Гофуров романи. 24. Ўзбекистон халқ шоири, бир қатор қўшиқлар муаллифи. 25. Кавказдаги республика. 26. Таниқли ўзбек кинорежиссёри, халқ артисти. 27. Устоз ўймакор наққош, Ўзбекистон халқ рассоми. 28. Маълум иш соҳаси бўйича раҳбар уста.

Энди шакл марказидаги рақамларни жавоб сўзларидаги биринчи ҳарфлар билан алмаштириб, муаммонамани ҳал этинг ва соат мили йўналишида ўқинг. Ундан аён бўладиган ҳикмат Абдулқодир Нурий ал-Бирзанжийнинг «Одобга оид термалар» асарига мансуб.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.



УЛОҚ ЯНА ҚИЗИЛТЕПАДА

Навоий вилоятидаги Қизилтепа туман босмахонасида 30 дан ортиқ китоб чоп этилди. Вилоятнинг кўплаб газеталари шу ерда офсет усулида чиқарилмоқда. Бу ишларни йўлга қўйишда туманнинг «Қизил тонг» газетаси муҳаррири Умид Сатторовнинг хизматлари катта. Тиниб-тинчимас нашр яқинда «Амир Темурнинг ёшлиги» пьесасини ёзиб тугатди. Пьесага Бухоро драма театри «харидор» бўлди.

"ХАРУША-МАЮР ЛТД" ҚК
Тошкентдаги омбордан сотади:
- ювиладиган гулқоғозларнинг 55 хили /Германия/;
- ДСП 3,5 м. х 1,75 м. х 16 мм. /Россия/;
- чойшаблар /Германия/;
- стуллар ва столлар /Эрон/;
- йигирилган ипни ўраш учун М 150 конуслари, патронлар ва галтаклар;
- апельсин шарбати 40%, 1 литрлик идишда /Венгрия/;
- томат пастаси 30%, 9 кг.ли тунукали идишда /Наманган/ - 50 тонна.

Манзил: Тошкент ш., Новомосковская кўчаси, 23-А.
(Мўлжал: "Старт" стадиони, "Москва" кинотеатри).
Тел.: (3712) 67-76-36, 67-69-94. Факс: 67-66-08.

Теннис

«ХИТОЙ ДЕВОРИ» ЗАБТ ЭТИЛАРМИКИН?

Жаҳон теннис оламида 7-9 февраль Дэвис кубоги учун мусобақаларнинг навбатдаги мавсуми бошланадиган кун сифатида қабул қилинган. Лекин ана шу қоидага бу йил Ўзбекистон ва Хитой теннисчилари «риоя» қилишмайди.

Чунки 6-10 февраль кунлари Хитойда ой тақвими бўйича янги йил кириб келиши муносабати билан Баҳор фестивали ўтказилади. Бошқа хитойликлар каби бу юрт теннисчилари ҳам шу кунлари оилавий кутиб олинадиган янги йил байрами каникулида бўлишади. Шу муносабат билан Хитой теннис федерацияси Дэвис кубоги қўмитасига ўз терма жамоасининг ўйинини уч кун олдинга суришни сўраб илтимос қилди. Дэвис кубоги қўмитаси эса бу илтимосни ўзбекистонликларнинг рухсатисиз қондира олмасди. Чунки Лондонда ўтказилган қурра хитойлик теннисчиларга ҳамюртларимизни қарама-қарши қўйган эди. Ҳар икки томон хитойликлар илтимосини қондирди. Демак, ўтган йили муваффақиятли ўйнаб, биринчи марта Осиё Океания минтақасининг биринчи гуруҳида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган терма жамоамиз бу йилги мавсумни 3 февраль куни Пекинда бошлайди.

Ҳамюртларимиз Хитой терма жамоасига қаршн биринчи марта кортга чиқаётгани йўқ. Эсингизда бўлса, 1995 йили терма жамоамиз биринчи гуруҳга бериладиган йўлланма учун Тошкентда ўтказилган ҳал қилувчи учрашувда 2:3 ҳисобида хитойликларга ютқазиб қўйишганди. Эслатиб ўтамиз: бу мағлубият ҳозирча терма жамоамизнинг Дэвис кубоги баҳсларидаги ягона муваффақиятсизлигидир. Норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланган Дэвис кубоги учун қолган учрашувларнинг барчасида ҳамюртларимиз кортлардан фақат ғалаба билан чиқишган. Хўш, терма жамоамиз бу сафар «Хитой девори»ни забт этадими?

Хитойликлар бу учрашувга тайёргарликни янги йил арафасидаёқ Исроилнинг Қизил денгиз соҳилидаги Эйлат шаҳрида бошлаб юборган бўлса, бизникилар январь ойининг иккинчи декадасида Исроилнинг бошқа бир шаҳри -- Керьят-Шимонега йўл олишади. Хитойликлар Эйлатдан Пекин университети кортларига қайтишса, бизнинг теннисчилар Исроилдан Германияга сафар қилишади. Сўнг тайёргарликни Шанхай (Хитой) шаҳрида маромига етказиб, Пекинга кириб боришади. Терма жамоамиз сафида ҳозирча тажрибали Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Вадим Куценколар билан бирга Темур Хонхўжаев, Темур Ғаниев ва ёш теннисчиларимиз Абдуҳамид Маҳкамов ҳамда Антон Коқурин тайёргарлик машғулотларида қатнашаяпти. Улар орасидан тўрт нафари саралаб олинади.

Р. ЖУМАЕВ,
С. ДАНИЛОВ.

СУРАТДА: терма жамоамизнинг етакчи ўйинчиси Олег Огородов.

А. МАМАДАМИНОВ суратга олган.

ТАШКИЛОТ ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАҚБУЛ НАРХЛАРДА ТАВСИЯ ЭТАДИ:

1. Пўлат қувурлар -	d-25/3.2, d-76/3.8, d-89/3.8, ГОСТ 3262-75 сув ва газ учун.
2. Пўлат қувурлар -	d-108/6, d-114/6, d-133/6, d-152/6, d-219/7, ГОСТ 8732-75.
3. Пўлат тилими -	60x12, 64x15, ЗПС русумли.
4. Халқалар -	d-28, 32, 38.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., Фарҳод кўчаси,51.
Тел.: (3712) 50-99-68, 50-99-71.
ПЕЙДЖЕР: (067) 5620, 6724.
Кечқурун тел.: 41-61-53, 44-58-67.

Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси
лицензиялик аудиторларни ўқитиш ва тайёрлашни давом эттиради.
Янги гуруҳ ўқиши 1997 йил 27 январда бошланади.
Манзил: Тошкент ш., Ниёзбек йўли, 6.
Телефонлар: 34-01-87, 35-72-51.

Ўзбекистон Республикаси давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Хоразм вилояти спорт қўмитаси раиси Дурдибой Ражабовга отаси

Ражаббой ШОКИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари:
С. МУҲИДДИНОВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Тошев.
Навбатчи — Ғ. Юсупов.
Мусаҳҳиҳ — А. Худойқулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 020 40429 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 23.00 123456